

*С.Гулямов,  
ТДЮУ профессори, ю.ф.д.  
И.Рустамбеков,  
ТДЮУ профессори, ю.ф.д.  
Ш.Хўжаев,  
ТДЮУ кафедра мудири, PhD*

## **Юриспруденция (ҳуқуқ) бўйича битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияси мавзуларини танлаш ва ёзиш (тайёрлаш) бўйича УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР**

Олий таълим муассасаларида якуний давлат аттестациясини ўтказишнинг асосий шартларидан бири бу бакалавр босқичида битирув малакавий ишини ёки магистратура босқичида магистрлик диссертациясини тайёрлаш ҳисобланади.

Шу билан бирга, Тошкент давлат юридик университети Кенгаши томонидан асосий талаблар, ишни тайёрлаш ва уни ҳимоя қилиш тартиби баён қилинган битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертациялари бўйича тегишли қоидалар тасдиқланган.

### ***1. Умумий тушунчалар***

Битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияси (кейинги ўринларда битирув иши деб юритилади) тегишли равишда бакалаврият ва магистратура талабалари томонидан ўқув жараёнида олинган билимларга асосланган ҳолда маълум бир фан доирасида олиб борилган илмий тадқиқотларнинг амалий натижаси саналади. Битирув иши олинган назарий ва амалий билимлар даражасидан далолат беради. Бинобарин, битирув иши ўқув дастурини ўзлаштириш кўрсаткичи ҳам ҳисобланади.

Шу билан бирга, битирув ишлари рефератлар, илмий мақолалар ва тезислардан фарқли ўлароқ, куйидаги жиҳатлари билан ажралиб туриши лозим:

– битирув малакавий иши тегишли ўқув ва илмий адабиётларни тўғри тадқиқ этиш орқали битта катта илмий муаммо ёки муаммолар мажмуасини ҳал қилишга қаратилган бўлади;

– битирув иши ўз услуби (ишнинг ўзига хос тузилиши), тадқиқот охирида аниқ хулоса ва таклифлар мавжудлиги билан ажралиб туради;

– битирув ишлари чет эл тажрибаси, ушбу соҳадаги халқаро ва миллий ҳужжатларни таҳлил қилиш даражаси билан фарқланади;

– битирув ишида миллий ва хорижий муаллифларнинг фикрлари таҳлили мавжуд бўлиб, унда муаллиф бошқа муаллифлар билан баҳсга киришади ва бошқа тадқиқотчиларнинг фикрларини таҳлил қилиш доирасида ўзининг шахсий позицияси (фикри)ни беради;

– битирув иши фақат назарий материал ва хорижий тажрибани таҳлил қилиш билан чекланиб қолмаслиги керак, унда шунингдек, якуний

тўхтамлар, хулоса ва билдирилган важларни аналитик ҳамда статистик материаллар (статистика) билан, шу жумладан, ҳуқуқни қўллаш амалиёти (суд ҳужжатлари ва бошқалар) билан асослаш зарур.

## ***II. Тадқиқот мавзуси ва илмий раҳбарни танлаш***

Битирув ишини тайёрлаш ва ёзишнинг биринчи босқичи тадқиқот мавзуси ва илмий раҳбарни танлашдан иборат.

Битирув ишининг мавзулари муайян муаммо ёки амалий масалани ҳал қилишга қаратилган юридик мутахассисликнинг энг долзарб масалаларига бағишланади.

Талабалар учун битирув ишлари мавзулари ҳамда уларнинг рўйхати ихтисослаштирилган кафедраларда профессор-ўқитувчилар таркиби томонидан шакллантирилади ва тузилади. Ўз навбатида, мавзулар рўйхати тавсиявий тусга эга бўлиб, талабалар ўзлари ҳам тадқиқот учун мавзу таклиф қилишлари мумкин, таклиф қилинган мавзулар кафедра томонидан муҳокама қилинади ва тасдиқланади.

Талаба **мавзу танлашда** қуйидагиларга эътибор бериши керак.

– мавзу долзарб бўлиши ва амалга оширилаётган сиёсатни ҳисобга олган ҳолда республика ривожланишининг устувор йўналишларига мос келиши керак;

– мавзу янги бўлиши ва аввалги йилларда, хусусан, камида сўнги уч йилда тадқиқ этилган битирув ишларининг мавзуларни такрорламаслиги керак;

– мавзу бир фан доирасида танланиши ва маълум бир муаммони ҳал қилишга қаратилган бўлиши керак (баъзи ҳолларда таҳлил қилинаётган муаммони ҳал қилиш учун фанлараро мавзуни танлашга рухсат берилади).

**Илмий раҳбарни танлашда** ўқитувчининг ихтисослиги, ушбу мавзу бўйича унинг илмий мақолалари (диссертациялар, илмий мақолалар ва тезислар) мавжудлиги ва бошқаларни ҳисобга олиш керак.

Мавзу ва илмий маслаҳатчи танлаш учун соддалаштирилган ва қулай имконият яратиш мақсадида ТДЮУда махсус <http://topic.tsul.uz/> электрон платформаси яратилган бўлиб, бу мазкур жараённинг қулайлиги ва шаффофлигини таъминлайди.

Ушбу платформада талаба паспорт маълумотларини киритади ва тўғридан-тўғри ўз йўналиши (ихтисослиги) бўйича кафедралар танловига ўтади ва тегишли кафедранинг танлаш имкониятига эга бўлади. Кафедрани танлагандан сўнг, талаба мавзулар рўйхати келтирилган саҳифага киради, шунингдек, ўз мавзусини таклиф қилиш имкониятига эга бўлади. Талаба мавзуни танлаган ёки ўз мавзусини таклиф қилганидан сўнг, илмий раҳбарни танлаш саҳифасига ўтади. Ушбу жараённи амалга оширгандан сўнг талаба мавзу ва илмий раҳбарни танлаган ҳисобланади. Шу билан бирга, олдин танланган мавзулар, шунингдек, лимити тугаган илмий раҳбарлар талаба томонидан танланиши имконияти мавжуд бўлмайди.

Ушбу жараёндан сўнг талабалар рўйхати автоматик равишда мавзу номи ва тайинланган илмий раҳбар билан бирга шаклланади, кафедралар,

деканатлар ва Ўқув-услугий бошқарма ушбу рўйхатдан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритишади ҳамда университет ректорининг тегишли буйруғи қабул қилинади.

### ***III. Битирув иши бўйича тадқиқотга тайёргарлик кўриш ва уни олиб бориш***

Ишни тайёрлаш, илмий-амалий тадқиқотларни олиб бориш талабанинг илмий раҳбар бошчилигидаги мустақил ишини ўз ичига олади. Илмий раҳбар билан ишлаш тизимли ва тартибли бўлиши керак, шунинг учун танланган тадқиқот мавзуси бўйича тадқиқотни илмий раҳбар билан биргаликда амалга ошириш мақсадида режа тузиш тавсия этилади.

Масалан, қуйидаги жадвални тузиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

<b>№</b>	<b>Тадбир номи</b>	<b>Амалга ошириш усули</b>	<b>Бажариш муддати</b>
1.	Тадқиқот мавзуси бўйича илмий-назарий базани ўрганиш	Тадқиқот мавзуси бўйича диссертациялар, илмий мақолалар, тезислар ва бошқа ўқув, илмий материалларни танлаш ва таҳлил қилиш	2020 йил 10 декабрь
2.	Тадқиқот мавзусининг эмпирик базасини ўрганиш	Статистик маълумотлар, суд ва ҳуқуқни қўллаш билан боғлиқ материалларни ўрганиш, таҳлилий шарҳлар билан танишиш	2020 йил 15 декабрь
3.	Тадқиқот режасини тузиш*, мавзу долзарблигини асослаш ва адабиётлар билан танишиш	Тадқиқот режасини тузиш, раҳбар билан режани муҳокама қилиш ва тасдиқлаш	2020 йил 20 декабрь
4.	Ишнинг биринчи бобини тайёрлаш	Ишнинг биринчи бобини ёзиш ва раҳбарга тақдим этиш, раҳбар кўрсатган камчиликлар асосида қайта ишлаш	2021 йил январь
5.	Ишнинг иккинчи бобини тайёрлаш	Ишнинг иккинчи бобини ёзиб тугатиш ва раҳбарга тақдим этиш, раҳбар кўрсатган камчиликлар асосида қайта ишлаш	2021 йил февраль
6.	Ишнинг учинчи бобини тайёрлаш (одатда магистрлик диссертацияларида)	Илмий раҳбарнинг фикр-мулоҳазаларини эътиборга олган ҳолда ишнинг учинчи бобини ёзиб, илмий раҳбарга	2021 йил март

		тақдим этиш	
7.	Ишнинг хулоса қисми ҳамда дастлабки вариантыни тайёрлаш	Ишнинг барча бобларини қайта ишлаш, яхлит ҳолатга келтириш, материални тизимлаштириш	2021 йил март-апрель
8.	Ишни расмийлаштириш ва тақдим этиш	Расмийлаштириш талабларига биноан ишни текшириш, орфографик, пунктуацион, грамматик хатоларни бартараф этиш	2021 йил апрель
9.	Илмий раҳбарнинг хулосаси ҳамда иш бўйича тақризлар олиш	Илмий раҳбарга ишни тақдим этиш ва кафедра томонидан белгиланган тақризчилардан тақризлар олиш	2021 йил апрель
10.	Ишни кафедрага топшириш (дастлабки ҳимоя ва ҳимоя)	Тайёр ишни барча ҳужжатлар билан кафедрага тақдим этиш ҳамда тегишли муҳокамалардан ўтиш	2021 йил апрель-май

*Илова:*

*\* ишдаги боб ва параграфлар сони илмий раҳбар билан биргаликда талаба томонидан белгиланади.*

Шуни таъкидлаш лозимки, раҳбар билан ишлаш тартибсиз бўлмаслиги ва тизимли ташкил этилиши лозим. Шу муносабат билан, талаба ва илмий раҳбар ўзаро мулоқотнинг қулай усули (электрон почта, мессенжер, ижтимоий тармоқ орқали мулоқот)ни олдиндан белгилаб олишлари даркор. Бунда самарадорликни таъминлайдиган ва ҳар қандай мураккабликлар вужудга келишини истисно қиладиган ахборот алмашишнинг онлайн усулларига устувор аҳамият берилиши керак.

**Тадқиқот режасини тузиш.** Мавзуни саводли баён этиш ҳамда кўзланган мақсадга эришиш учун тадқиқот режаси муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқот режасини олиб борилаётган илмий тадқиқот доирасида ўрганиладиган саволларнинг тизимлаштирилган рўйхати ташкил этади.

Тадқиқот режаси ўқувчига битирув иши доирасида талаба нимани ўрганаётганлиги ҳақида қисқача маълумотни тушунишга имкон беради. Шу муносабат билан битирув иши режасини тузиш учун қуйидаги тартибда ҳаракатларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

**биринчи қадам** – тадқиқот мақсадини аниқлаш (масалан, электрон шартномаларни ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини баҳолаш);

**иккинчи қадам** – мақсадга асосланган ҳолда тадқиқот вазифаларини аниқлаш (масалан, электрон шартномалар тушунчаси ва моҳиятини аниқлаш, электрон шартномаларнинг мазмунига қўйиладиган талабларни аниқлаш, электрон шартномалар тузиш шартлари ва тартибини аниқлаш, хорижий тажрибани ўрганиш, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётининг статистик маълумотлари ва материалларини таҳлил қилиш, хулосаларни

умумлаштириш ва электрон шартномалар бўйича тегишли назарий ва амалий таклифларни ишлаб чиқиш);

**учинчи қадам** – тадқиқот вазифаларини саволларга айлантириш ва саволларни тадқиқот боблари ва параграфлари сарлавҳалари шаклида тақдим этиш.

**Тадқиқот усуллари.** Ишдаги асосий қисмлардан бири бу тадқиқот усуллари деб номланган тадқиқотни амалга ошириш услублари ҳисобланади. Битирув ишларида кўпинча умумилмий ва махсус илмий усуллардан фойдаланилади. Улар орасида энг кенг тарқалганларини кўриб чиқамиз.

*Таҳлил (анализ)* – бу сизнинг юриспруденцияда ўрганаётган объектнинг алоҳида элементларини ажратиш ва ўрганиш билан тавсифланадиган тадқиқот усули.

*Синтез* – бу юриспруденцияда ўрганилаётган объектнинг турли элементларини бир бутунликка бирлаштириш ва ўрганиш билан тавсифланадиган тадқиқот усули.

*Индукция* – бу турли хил тадқиқот объектлари учун мантиқий хулосаларни умумлаштириш ва ягона умумий хулосани ифодалаш билан тавсифланадиган тадқиқот усули.

*Дедукция* – бу ўрганилаётган объектларнинг умумий хусусиятларини ўрганишга асосланган ҳолда тегишли объектлар учун аниқ хулосаларни кўллаш билан тавсифланадиган тадқиқот усули.

*Тарихий усул* – бу маълум бир тарихий даврда маълум объектларнинг шаклланиши, ривожланиши масалаларини ўрганиш билан тавсифланадиган тадқиқот усули.

*Тизимли усул* – бу тадқиқот объектини тизим, ўзаро боғлиқ элементлар мажмуи сифатида кўриб чиқиш билан тавсифланадиган тадқиқот усули.

*Махсус социологик усул* – бу тадқиқот объектини статистик маълумотлар, ҳужжатлар ва амалий материалларни таҳлил қилиш асосида ўрганиш билан тавсифланадиган тадқиқот усули.

*Қиёсий ҳуқуқий усул* – бу ўрганилаётган объектларнинг умумий ва ўзига хос хусусиятларини таққослаш билан тавсифланадиган тадқиқот усули.

*Контент-таҳлил* – бу объектнинг таркибини (ҳуқуқий ҳодисалар, материаллар, ҳужжатлар) уларда акс этган турли фактлар ва тенденцияларни аниқлаш ёки ўлчаш мақсадида ўрганиш билан тавсифланадиган тадқиқот усули.

*Мантиқий-ҳуқуқий усул* – бу мантиқий қоидалар орқали ҳуқуқий объектларни таҳлил қилиш билан тавсифланган тадқиқот усули.

Тадқиқот доирасида сиз битирув иши мавзусининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бошқа усуллардан ҳам фойдаланишингиз мумкин.

**Адабиётни танлаш ва эмпирик базани умумлаштириш.** Битирув иши доирасида ҳар томонлама ва самарали тадқиқот ўтказиш учун муаллиф сифатли таҳлил қилиш учун тегишли асос яратиши керак. Тадқиқотдан олдин талаба етарли миқдордаги илмий мақолалар ва манбаларни тўплаши лозим. Ушбу таҳлил орқали ишни сифатли тайёрлашга эришиш мумкин.

Илмий ва ўқув адабиётларни қидиришда сиз Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларнинг турли хил Интернет-ресурсларидан, илмий тадқиқот базаларидан, шу жумладан:

<https://library.tsul.uz> yoki <https://sirus.uz/> – TSUL электрон кутубхонаси;

<https://www.natlib.uz/> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси сайти;

<https://www.westlaw.com/> – юридик тадқиқотларнинг онлайн хизмати ва юристлар учун ўз маълумотлар базаси;

<https://www.lexisnexis.com/> – ҳуқуқий ахборот базаси сайти;

<https://www.jstor.org/> – халқаро ҳуқуқий қидирув базаси;

<https://www.scomachirect.com/> – дунё бўйлаб таниқли муаллифлар ва олимларнинг илмий нашрларидан фойдаланишга имкон берувчи сайт;

<https://www.ssrn.com> – ижтимоий ва гуманитар фанлар бўйича мақолалар базаси мавжуд бўлган сайт;

<http://www.rasl.ru/> – Россия Фанлар академиясининг кутубхонаси;

<https://www.elibrary.ru/> – илмий электрон кутубхоналардан фойдаланиш зарур.

Батафсил таҳлил қилиш учун сиз университетлар ва илмий-тадқиқот муассасаларининг электрон кутубхоналаридаги адабиётлардан, илмий журналлардан ҳам фойдаланишингиз зарур.

Тегишли статистик маълумотлар ҳамда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиёти материалларини излаш ва улардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, важларингизни мустаҳкамлаш мақсадида Сиз назарий таҳлилни тегишли статистик маълумотлар, суд қарорлари ва давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятидаги материаллар билан бойитиш масалаларига алоҳида эътибор қаратишингиз лозим.

Юриспруденцияда расмий статистика ва расмий манбалардан олинган материаллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, масалан:

<https://stat.uz/> – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг расмий веб-сайти;

<https://data.gov.uz/> – Ўзбекистон Республикасининг очик маълумотлар портали;

<https://public.sud.uz/#!/sign/view> – Ўзбекистон Республикаси суд қарорларининг электрон банки;

<http://baza.ima.uz/> – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг ахборот тизими.

Ўз навбатида, амалий материаллар статистик маълумотларни сақлаш ёки амалий материалларни умумлаштириш ваколати берилган давлат органлари ёки ташкилотларининг манзилига тегишли хат юбориш орқали олиниши мумкин.

### **Тадқиқотни илмий услубда баён этиш**

Битирув ишини ёзишда энг муҳим масалалардан бири бу тадқиқотнинг илмий услуби ҳисобланади. Тадқиқотни баён қилишнинг энг кенг тарқалган

тури – «**case cruncher**»<sup>1</sup> – «намунавий» илмий иш. Ушбу ишни баён қилиш тури чалкашлик, зиддият ёки ўтиш даврида бўлган ҳуқуқни таҳлил қилади. Кўпинча муаллиф низоларни ёки муаммоларни амалдаги сиёсатга мурожаат қилиб ҳал қилади, адолат, самарадорлик ва бошқа мақсадларга эришишга энг яхши ҳисса қўшадиган ечимни таклиф қилади.

Амалиётда «**қонунчиликни ислоҳ қилиш тўғрисида**»ги илмий иш тури мавжуд. Шу мазмундаги тезисларда ҳуқуқий қоида ёки институт нафақат номувофиқ, балки ноҳолис оқибатларга ҳам олиб келиши, адолатсиз ҳисобланиши ҳақида фикр юритилади. Муаллиф бу муаммолардан қочиш учун ушбу қоидани қандай ўзгартириш кераклигини кўрсатади.

Муаллиф таклиф қилинаётган ёки яқинда қабул қилинган қонунчиликни бўлимлар бўйича таҳлил қилиб, шарҳлар, танқидлар ва баъзида қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларини ўз ичига олган «**қонуний эслатма**» каби илмий ишни баён қилиш тури мавжудлигини ҳам таъкидлаш мумкин.

Илмий ишнинг яна бир тури – «**фанлараро**» илмий ишдир. Бу ишда муаллиф бошқа соҳаларни, масалан, информатика, иқтисод ёки социологияни тушуниш қонунчиликдаги баъзи такрорланадиган муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беради, деб ҳисоблайди. Бунга профессор Чарлз Лоуренсинг онгсиз мотивация назариялари ва уларнинг ирқий муносабатлар қонуни билан боғлиқлиги ҳақидаги мақоласи ёрқин мисол бўла олади.<sup>2</sup>

Шунингдек, «**тегишли назарий**» илмий иш тури мавжуд бўлиб, унда муаллиф ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришларни ўрганиб чиқади ва уларда янги ҳуқуқий назария ёки деликтларнинг вужудга келиши асосини топади. Уоррен ва Брандейснинг шахсий ҳаётга оид машҳур мақоласи ушбу турдаги тадқиқотларнинг энг яхши намунаси<sup>3</sup>.

«**Юридик касб, юридик тил, ҳуқуқий далил ёки юридик таълим тўғрисидаги мунозара**» ҳуқуқшунослик доирасидаги илмий ишнинг яна бир турини ташкил этади<sup>4</sup>.

Ҳозирда мавжуд бўлган мунозараларни давом эттирадиган – «**китобий, ёд олинган диалоглар**» тадқиқот тури ҳам мавжуд<sup>5</sup>.

Бошқа бир тоифага «**ҳуқуқий тарих**» киради. У ёки бу муносабатлар ҳуқуқининг келиб чиқиши ва ривожланишини ўрганиш уларнинг ҳолати ёки камчиликларига ойдинлик киритиши мумкин. Худди шу тарзда, «**қиёсий ҳуқуқ бўйича**» илмий ишлар кўпинча худди шу сабабларга кўра кадрли ва кизиқарли бўлади: баъзида бошқа ҳуқуқий тизимлар муаммони мавжуд

---

1. <https://www.bbc.com/news/technology-41829534>

2. Lawrence C. The Id, the Ego, and Equal Protection: Reckoning with Unconscious Discrimination (to be published in Volume 38 of the Stanford Law Review).

<sup>3</sup> Warren & Brandeis, *The Right To Privacy*, 5 HARV. L. REV. 193 (1890).

<sup>4</sup> E.g., Stone, *Legal Education on the Couch*, 85 HARV. L. REV. 392 (1971). See also any issue of the *Journal of Legal Education* for articles on legal education, law schools, bar exams, legal language and writing, and related topics.

<sup>5</sup> E.g., Dolinko, *Comment: Intolerable Conditions As a Defense to Prison Escapes?* 26 UCLA L. REV. 1126 (1979); Fletcher, *Should Intolerable Prison Conditions Generate a Justification or an Excuse for Escape*, 26 UCLA L. REV. 1355 (1979).

тизимдан фарқли ўлароқ, самаралироқ ёки инсонпарварлик нуқтаи назаридан кўриб чиқиш ҳолатлари ҳам учрайди. Фридрих Кесслернинг Адгезия шартномалари тўғрисидаги машхур мақоласи Америка одил судловининг сифатини ошириш мақсадида чет эл тизимларини таққослаш тажрибасига асосланган таниқли иш намунасидир<sup>6</sup>.

Илмий ишнинг муҳим тоифалардан бири бу «эмпирик тадқиқотлар»<sup>7</sup> бўлиб, унда муаллиф аввалги тадқиқотчилар томонидан муаммонинг ҳал қилиниши масалаларини кўриб чиқади, бўшлиқлар ва юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни аниқлайди, ўз далилларини келтиради ва амалда қўллайди. Бу тадқиқот тури барча жанрлар ичида энг фойдалиси ҳисобланади. Чунки бу муаллифга илмий ишларнинг аксарият турлари орасида мавжуд бўлмаган назарий ва амалий билимларни кенгайтиришга имкон беради. Мазкур тадқиқот доирасида концептуал, муаммога йўналтирилган, таркибий-тизимли, қиёсий-ҳуқуқий, тарихий-ҳуқуқий, аниқ-тарихий, мантиқий ёндашув ва бошқа илмий тадқиқотларда тан олинган усулларни тизимли равишда қўллашингиз мумкин<sup>8</sup>.

Шундай қилиб, объектив нуқтаи назардан келиб чиқадиган бўлсак, илмий иш ёзиш учун кўплаб умумий қабул қилинган форматлар мавжуд бўлиб, ҳар бир тур ва тоифалар ўз мақсадларига эга. Шунга кўра муаллиф, авваламбор, илмий иш ёзишдан олдин илмдаги турли услуб ва тадқиқот усулларининг тамойилларини ҳамда амалий қўлланилишини ўрганиши керак.

Шуни таъкидлаш лозимки, битирув ишларида муаммонинг таҳлили ҳамда ўтказилган тадқиқотнинг асосли натижаларини ўз ичига олган муаммонинг илмий-амалий ечими бўлиши керак.

Битирув малакавий ишини тайёрлашда талаба дунёдаги нуфузли университетларнинг тегишли тавсияларидан фойдаланиши мумкин. Хусусан, тегишли тавсиялар билан куйидаги ҳаволалар орқали танишиб чиқишингизни тавсия этамиз:

Гарвард университетининг тавсиялари:

<https://gsas.harvard.edu/degree-requirements/dissertations/formatting-your-dissertation>

<https://www.extension.harvard.edu/resources-policies/completing-your-degree/thesis-process>

Оксфорд университетининг тавсиялари:

<http://www.robots.ox.ac.uk/~gari/teaching/ThesisTemplate/GuideToWritingYourThesis.pdf>

---

<sup>6</sup> Kessler, *Contracts of Adhesion .Some Thoughts About Freedom of Contract*, 43 COLUM. L. REV. 629 (1943).

<sup>7</sup> Одатда, муаллиф тадқиқот мавзуси бўйича маълум назарияларга эга бўлади. Ушбу назария асосида маълум тахминлар ёки фаразлар илгари сурилади. Муайян воқеаларни башорат қилиш ушбу фаразлардан келиб чиқади. Ушбу башоратларни тегишли тажрибалар ёрдамида текшириш мумкин. Эксперимент натижаларига қараб, гипотеза ва башоратларга асосланган назариялар тасдиқланади ёки рад этилади. <https://ru.wikipedia.org>

<sup>8</sup> Гулямов С. Развитие законодательства об акционерных обществах в системе корпоративных отношений и проблемы его совершенствования: Автореф. дисс. д.ю.н. – Т.: ТГЮИ, 2005. –С.10.



Ғарбий Австралия университетининг тавсиялари:  
[https://www.student.uwa.edu.au/data/assets/pdf\\_file/0007/1919239/How-to-write-a-thesis-A-working-guide.pdf](https://www.student.uwa.edu.au/data/assets/pdf_file/0007/1919239/How-to-write-a-thesis-A-working-guide.pdf)

Отаго университетининг тавсиялари::

<https://www.otago.ac.nz/graduate-research/study/otago467801.html>

Лейчестер университетининг тавсиялари:

<https://www2.le.ac.uk/departments/doctoralcollege/training/eresources/study-guides/thesis/plan>

<https://www2.le.ac.uk/departments/doctoralcollege/training/eresources/study-guides/thesis/format-guidelines>

<https://gradresearch.unimelb.edu.au/preparing-my-thesis/writing-my-thesis>

#### ***IV. Битирув ишининг тузилиши ва расмийлаштирилиши***

Битирув иши ўзига хос техник қоидаларга мувофиқ расмийлаштиришни талаб қилади:

*ҳажми* – битирув малакавий иши учун 50-60 бет, магистрлик диссертацияси учун 70-80 бет (ишнинг ҳажми киришдан хулосагача бўлган қисмни қамраб олади, титул варақ, аннотация, мундарижа (режа), фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар ҳажмга кирмайди);

*техник талаблар* – Microsoft Word матн муҳарриридан фойдаланган ҳолда тайёрланиши ва тегишли талаблар (варақнинг чап ҳошияси 3 см, ўнг ҳошияси 1,5 см, юқори ва паст ҳошияси 2 см; «Times New Roman» шрифти ва 14 ўлчамли шрифт; биринчи қатор хатбошиси 1,27 см; қаторлараро интервал (множитель) – 1,15; хатбошилар оралиғи – 6 пт) асосида расмийлаштирилиши.

Намунавий битирув иши қуйидаги қисмлардан иборат:

титул варақ;

аннотация;

мундарижа (режа);

кириш;

асосий қисм;

хулоса;

фойдаланилган адабиётлар рўйхати;

илловалар.

**Аннотация** – қисқача маълумот шаклидаги илмий тадқиқот натижаларининг умумлашмаси ҳисобланади. Одатда, аннотация китобхонга ишнинг қисқача мазмуни ва умумий моҳиятини тушунишга ёрдам беради.

**Кириш**да тадқиқот мавзусининг долзарблиғи, тадқиқот объекти ва предмети, мақсад ва вазифаларига урғу бериш, фойдаланилган тадқиқот усуллари ёритиш, фаразлар (ишнинг илмий янгилиғи)ни шакллантириш, ишнинг ҳажмини кўрсатиш лозим. Бу шуни англатадики, кириш қисмида муаллиф тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб муаммони аниқлаши, ишнинг моҳиятини (ўқувчи англаши учун) изоҳлаши керак. Ушбу босқичда тавсия этилган материалнинг мақоми ва жанрини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Бу рефератив баён ёки мустақил иш, назарий ёки эмпирик иш

бўлиши мумкин. Мазкур иш илмий-оммабоп ёки мутлақо касбий хусусиятга эга эканлигини аниқлаш, нимага эътибор бериш кераклигини, ушбу матнга қандай талаблар қўйилиши кераклигини белгилаб олиш муҳимдир.

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги**да мавзуни тадқиқ қилишнинг аҳамияти, мавжуд муаммолар ва уни ҳал қилиш зарурати, тадқиқотнинг Ўзбекистонда турли соҳаларда олиб борилаётган сиёсатга мувофиқлиги кўрсатилади.

**Ишнинг мақсади** маълум бир муаммони илмий йўл билан ҳал қилиш муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда аниқланиши керак. Ишнинг мақсади асосан юридик соҳасидаги аниқ муаммоларни таҳлил қилиш ёки ўрганиш саналади.

**Тадқиқот мақсади** – бу кўзланган мақсад доирасида ўрганилиши керак бўлган саволлар мажмуи.

**Тадқиқот объектини** битирув иши доирасида тадқиқ этиладиган юридик соҳадаги ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқот предмети** – муайян ҳуқуқий (илмий ёки амалий) муаммоларни, шунингдек ўрганилиши керак бўлган материалларни: Ўзбекистон Республикаси ёки хорижий давлатларнинг қонун ҳужжатлари, халқаро ҳужжатлар, суд ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётини акс эттиради.

Ниҳоят, ишнинг тузилиши, материал қандай кетма-кетликда тақдим этилиши ва бундай мантиқий ёндашувнинг сабабларини содда (элементар) асослаш керак<sup>9</sup>. Шунингдек, тадқиқот натижаларида иш юзасидан амалга оширилган олимларнинг ишларига ҳаволалар кўрсатилиши керак.<sup>10</sup>

**Асосий қисм** битирув ишининг энг катта ва муҳим қисмидир. Унда тадқиқот жараёни босқичма-босқич очиб берилади, хулосаларга сабаб бўлган фикрлар баён этилади. Ўтказилган ҳар қандай таҳлил натижалари, усуллари босқичлар ва оралиқ натижаларни акс эттирган ҳолда қайд этилиши лозим. Тадқиқот давомида аниқланган салбий фикрлар ҳам тавсифланиши ҳамда камчиликларни бартараф этиш бўйича шахсий таклиф ва мулоҳазалар берилиши керак.

Шунингдек, тақризчилар илмий иш тушунарли, аниқ “сюжет чизиги”га эга бўлишини хоҳлашади. Одатда, тадқиқот масалалари таҳлилини амалга ошириш ва уларни очиб беришда умумий масалалардан бошлаб, хусусий масалаларга ўтиш тавсия этилади. Ишнинг барча материаллари марказий мавзуни ривожлантиришга ҳисса қўшиши керак, акс ҳолда уларни ҳаволада бериш мақсадга мувофиқдир.

Ҳар қандай ёзма матннинг ўзагини «**тезис – аргумент (асос, ваз)**» калит боғловчиси ташкил этади. Ушбу схемани амалга оширишнинг баъзи

<sup>9</sup> Бу ҳақида қаранг.: <https://ibooks.ru/>

<sup>10</sup> Бу ҳақида қаранг: см.: Радаев В.В. Как написать академический текст. <https://cyberleninka.ru/article/n/kak-napisat-akademicheskiy-tekst/viewer>

вариантлари мавжуд. Масалан, иш назарий ёки эмпирик бўлиши мумкин ва бу тадқиқот тузилишига таъсир қилмаслиги мумкин эмас<sup>11</sup>.

**Назарий ишларда** асосан ёки мутлақ адабий манбаларга таянилади. Бундай ишда адабий анъанани кўрсатиш ва олдин қилинган ишларни аниқлаш мақадида ушбу манбаларни қисқача, аммо таъсирли шарҳини очиб бериш мумкин. Бу йўл билан муаллиф нафақат ўзининг манбалардан яхши хабардорлигини намоёни қилиши, балки ўқувчини мазмунли контекст билан ҳам таништириши мумкин. Бунинг ортидан тезис, тадқиқотда берилган асосий саволларни тушунтиришга имкон берадиган ғоя ёки концепция илгари сурилади. Бундай ғояни тушунтириб, муаллиф матннинг энг муҳим қисмига – асослантириш (аргументация) – ўз мустақил фикрини асослашга ўтади.

Агар иш эмпирик характерга эга бўлса, унинг тузилиши бироз ўзгаради. Биринчидан, тегишли концептуал ёндашув асосида таҳлил амалга оширилади ва тезис илгари сурилади. Бунинг ортидан фойдаланилган маълумотларнинг моҳиятини очиб берадиган услубий (методик) қисм келади. Ниҳоят, эмпирик тадқиқотларнинг ҳақиқий натижалари баён этилади<sup>12</sup>.

Ишнинг асосий жиҳатларидан бири «асослантириш (аргументация)»ни амалга оширишда Сиз қуйидаги қоидаларга риоя қилишингиз зарур:

– мисоллар орқали исботлаш муаллиф позициясини асослашнинг энг яхши усули эмас. Мисоллар умумий қоидаларни тасвирлаш учун яхши хизмат кўрсатганлиги сабабли, улардан куруқ мантикий қоидаларни мустаҳкамлаш ва жонлантириш учун фойдаланиш мумкин<sup>13</sup>;

– матнда баён қилинган позицияларни танқидий баҳолаш зарур. Танқидий важларсиз яхши иш ёзиб бўлмайди. Танқид турли усуллар билан амалга оширилиши мумкин. Сиз турли муаллифларнинг позицияларини тўқнаштиришингиз ёки биринчи шахс номидан танқидий важларни киритишингиз ва назарий далилларни ўзингизнинг позициянгиздан келиб чиқиб таҳлил қилишингиз мумкин<sup>14</sup>.

Шундай қилиб, битирув ишини ёзишнинг (битирув ишининг асосий қисмига нисбатан) қуйидаги умумий стилистик ва расмийлаштиришга оид тавсияларни умумлаштириш ва кўрсатиб ўтиш мумкин:

• матн тузишда иккита кенг тарқалган хатога йўл қўймаслик керак: биринчиси – кераксиз ақлли сўзлар ва жумлалар билан ортиқча тўлдириб юбормаслик, иккинчиси – материални соддалаштириш (илмий шаклнинг етишмаслиги, таржима муаммоси);

• тафсилотларни матнга кўп киритманг, агар лозим бўлса, керакли адабиётларга ҳавола беринг;

<sup>11</sup> Радаев В.В. Как организовать и представить исследовательский проект 79 простых правил. [https://www.studmed.ru/view/radaev-vv-kak-organizovat-i-predstavit-issledovatel'skiy-proekt-79-prostyh-pravil\\_38399c446a8.html#3](https://www.studmed.ru/view/radaev-vv-kak-organizovat-i-predstavit-issledovatel'skiy-proekt-79-prostyh-pravil_38399c446a8.html#3)

<sup>12</sup> Қаранг: Радаев В.В. Ўша жойда.

<sup>13</sup> Муайян истисноларни эътибордан четда қолдирмаслик керак. Ўз моҳиятига кўра прецедент характерига эга бўлган кенг ҳуқуқ соҳалари мавжуд. Бунда мисоллар тўғридан-тўғри исботловчи блоклар сифатида ишлатилади.

<sup>14</sup> Қаранг: Радаев В.В. Ўша жойда.

• ҳеч қандай маънога эга бўлмаган ва матнни оғирлаштирадиган кириш сўзлар ва жумлалардан фойдаланманг (баъзи бир тортишувли фикрларни амалга оширишни хоҳлаганимизда «маълумки», «барчамизга маълумки» ёки «ҳаммамизга аёнки» каби иборалар билан матнни тўлдиришнинг ҳожати йўқ);

• хорижий маданий муҳитга хос махсус жаргон ва атамалардан фойдаланманг, агар керак бўлса, уларга тушунтиришлар ва тегишли ҳаволаларни тақдим этинг;

• чекланган матн (тўлиқ иш, боб ёки параграф) доирасида бир хил сўзларни ва ибораларни такрорланманг.

**Хулоса.** Ушбу бўлимда амалга оширилган тадқиқотларнинг асосий натижалари ва натижалари тезис шаклида эълон қилинади. Барча хулосалар олинган натижаларни таҳлил қилиш асосида, объектив бўлиши керак, тўхтамлар, муаллифнинг изоҳисиз, қандай бўлса шундай эълон қилиниши лозим. Бу ўқувчиларга олинган маълумотлар сифатини баҳолаш ва улар асосида ўз хулосаларини чиқариш, бажарилган ишларнинг аҳамиятини субъектив қарашлари асосида баҳолаш имконини беради<sup>15</sup>. Шу билан бирга, юриспруденция бўйича баён қилинган хулосалар уч тоифага бирлаштирилиши керак:

назарий тусдаги таклифлар ва хулосалар – тадқиқотнинг турли назарий жиҳатлари, муаллифнинг таърифларини ишлаб чиқиш ва муаммонинг моҳиятини бўйича хулосалар ва таклифлар, ҳуқуқни тегишли йўналишининг янги назариялари ва концептуал жиҳатлари бўйича таклифлар;

амалий тусга эга бўлган таклифлар ва хулосалар – қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар (норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, ўзгартириш ва қўшимчалар), шунингдек, суд ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар ва мулоҳазалар.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати** битирув ишини ёзишда фойдаланилган манбаларнинг тизимлаштирилган рўйхатини ўз ичига олади. Фойдаланилган адабиётлар рўйхатини тузишда манбаларни *рахбарий адабиёт* (асосий манбалар, халқаро ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар), дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва бошқа ўқув адабиётлари, илмий адабиётлар (диссертациялар, диссертацияларнинг тезислари, монографиялар) кўринишидаги *асосий адабиётлар*, илмий мақолалар, конференция материалларидаги тезислар кўринишидаги *қўшимча адабиётлар*, *электрон таълим ресурслари* (веб-сайтлар, кидирув тизимлари) ва ш.к. каби тоифаларга бирлаштириш мақсадга мувофиқдир..

Шу билан бирга, раҳбарий адабиётлар саналар бўйича, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар уларнинг аҳамияти ва қабул қилиш саналари бўйича шакллантирилади (масалан, аввал Конституция, кейин кодекслар, қонунлар ва бошқалар), асосий ва қўшимча адабиётлар алифбо тартибида тузилади.

**Иловаларда** қўшимча визуал материаллар, жадваллар ва диаграммалар бўлиши мумкин (ишнинг асосий қисмини чалкаштириб юбормаслик учун

---

<sup>15</sup> Қаранг: Радаев В.В. там же.

уларни иловаларга киритиш мақсадга мувофиқ), муаллиф томонидан таклиф қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, қиёсий ёки таққослаш жадвали ва бошқалар.

### **Академик ҳалолликни таъминлаш.**

Академик ҳалоллик ишнинг муҳим мезонидир. Академик ҳалоллик - бу битирув ишини виждонан ва инсофли ёзишга риоя қилишни англатувчи атама. Хусусан, Тошкент давлат юридик университети Кенгаши томонидан Академик ҳалоллик талаблари тасдиқланган.

Академик ҳалолликни бузиш сифатида қуйидаги тан олинади:

1) **плагиатга йўл қўйиш**, яъни манбага тегишли ҳаволасиз бошқа муаллифнинг ғояси, илмий қарашлари, сўзлари ёки баёнотларини ўз фикри сифатида баён қилиш ёки ўзлаштириш (масалан, бошқа муаллифнинг матнини кўчириш ва ҳавола бермасдан худди ўз матнидек тақдим этиш);

2) **қалбакилаштириш** – яъни илмий изланишлар олиб боришда, битирув ишини ёзишда ҳаққоний бўлмаган маълумотлар, нотўғри иқтибослардан ёки бошқа ҳар қандай маълумотлардан фойдаланиш;

3) **ишни бажаришда инсофсизлик**, яъни ишни мустақил равишда бажармаслик, ишни бошқа одамга «буюртма қилиш» (яъни талабанинг ишини бошқа шахслар томонидан бажарилиши).

Энг муҳим жиҳат – бу плагиатга йўл қўймаслик. Ушбу мақсадлар учун ўқув ёки илмий материалларни таҳлил қилишда иқтибос келтириш қоидаларидан фойдаланишингиз керак. **Иқтибос келтириш** иқтибослар ёрдамида ишда тегишли манбага ишора қилишни англатади. Иқтибосларни расмийлаштиришда муаллифнинг Ф.И.О., асар (мақола, иш) номи, нашр этилган жойи ва санаси, нашриётнинг номи, бет рақамлари кўрсатилиши лозим.

Иқтибосларга мисоллар (ҳаволалар, иқтибослар келтириш):

Гулямов С.С. Фуқаролик ҳуқуқи фанининг янги назарий ва концептуал асосларини ишлаб чиқиш зарурати // Ёш олим-инноваторлар. Халқаро илмий-амалий конференцияси тезис-маърузаларининг тўплами (XII Йиллик талабалар илмий-амалий конференцияси материаллари). –Т.: Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент филиали, 2018. – Б. 411–415.

Рустамбеков И.Р. Интернет ҳуқуқий концепциясининг таърифи тўғрисида // «Информационное право» илмий журнали. – М.: «Юрист» нашриёт гуруҳи, 2015. № 3. – Б. 22-26.

Шуни ҳам ёдда тутиш керакки, бошқа муаллифларнинг илмий тадқиқотлари асосида ишни «шакллантириш»га, яъни фақат бошқа муаллифларнинг ғояси асосида шакллантирилган тўплам (компоновка)га ҳам битирув ишини тайёрлашда йўл қўйилмайди. Шу муносабат билан битирув ишини ёзаётганда ишнинг ўзига хослигига эътибор беришингиз керак. **Ишнинг ўзига хослиги** тадқиқотнинг оригиналлик даражаси, яъни бошқа манбалардан олинган кўчирма матнлар йўқлигининг кўрсаткичидир. Ўзига хослик тадқиқотнинг сифати ва янгилигини белгилайди. Шунинг учун битирув ишлари плагиат ва ўзига хослиги нуктаи назаридан баҳоланади. Шу

мақсадда ишлар <https://www.turnitin.com/> тизими орқали текширилади, у автоматик равишда ўзига хослик, кўчирма олиш ва ҳавола даражасини аниқлайди.

Шуни таъкидлаш керакки, битирув малакавий иши, қоида тариқасида, камида 65–70%, магистрлик диссертацияси эса 75–80% гача бўлган ўзига хосликка эга бўлиши керак. Шунинг учун иш ёзаётганда талаба ўз фикрлари баёнидан моҳирлик билан фойдаланиши, бошқа муаллифларнинг фикрлари эса таҳлил қилиниши, уларга муносабат ва ўрни келганда эътироз билдирилиши керак, шунчаки бошқа фикрлар олиниб битирув иш матнига киритилмаслиги лозим.

Шундай қилиб, битирув иши мураккаб меҳнат маҳсули бўлиб, унинг сифатли ва самарали бажарилиши талаба учун муҳим қадам ҳисобланади ҳамда унинг юриспруденция соҳасидаги билимларни ўзлаштириш даражасидан далолат беради.